



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI HOKIMI FARMOYISHI

2022 года «7» марта

68-3-0-F/22

Хокимият Джизакской области

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 январдаги 23-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 октябрдаги 01-05/1-1711-сонли йиғилиш баёнининг 15-бандига асосан “Навоий кон-металлургия комбинати” ДК томонидан ажратилган ҳомийлик маблағлари ҳисобига Ғаллаорол тумани, “Маржонбулоқ” шаҳарчасидаги 17 та кўп қаватли уй-жойларни мукаммал таъмирлаш, инфратузилма обьектларини қуриш, иссиқлик тизими ҳамда оқава сув обьектларини реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 октябрдаги 01-05/1-1711-сонли йиғилиш баёнининг 15-бандига асосан “Навоий кон-металлургия комбинати” ДК томонидан Ғаллаорол тумани, “Маржонбулоқ” шаҳарчасидаги 17 та кўп қаватли уй-жойларни мукаммал таъмирлаш, инфратузилма обьектларини қуриш, иссиқлик тизими ҳамда оқава сув обьектларини реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш учун 22.5 млрд. сўм маблағ вилоят ҳокимлиги ҳисоб рақамига ажратилиши кўзда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ғаллаорол тумани, “Маржонбулоқ” шаҳарчасидаги 17 та кўп қаватли уй-жойларни мукаммал таъмирлаш, инфратузилма обьектларини қуриш, иссиқлик тизими ҳамда оқава сув обьектларини реконструкция қилиш ишларини амалга оширишга вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” ИК буюртмачи этиб белгилансин.

3. Вилоят ҳокимлиги Ишлар бошқарувчиси (Абдувахобов) “Навоий кон-металлургия комбинати” ДК томонидан вилоят ҳокимлиги ҳисоб-

рақамига ажратилган 10,0 млрд. сўм ҳамда келгусида ажратиладиган ҳомийлик маблағларини буюртмачи “Ягона буюртмачи хизмати” ИКнинг маҳсус ҳисоб- рақамига ўтказсин.

4. “Ягона буюртмачи хизмати” ИК (Хасанов)га:

Ғаллаорол тумани, “Маржонбулоқ” шаҳарчасидаги 17 та кўп қаватли уй-жойларни мукаммал таъмирлаш, инфратузилма обьектларини қуриш, иссиқлик тизими ҳамда оқава сув обьектларини реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш бўйича лойиҳачи ҳамда пудрат ташкилотларни амалдаги қонунчилик талаблари асосида аниқлаш;

loyiixa-smeta xujjatlarinинг сифатли ишлаб чиқилишини таъминлаш ҳамда қурилиш ишларини “Қурилиш-меъёр қоидалари” асосида ва ўз муддатида амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

5. Давлат молиявий назорати вилоят бошқармаси (И.Собиров) ажратилаётган ҳомийлик маблағларининг мақсадли ишлатилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

6. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Б.Назаров зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Э.Салиев